

## Бақара сураси, 223-оят

09:05 / 02.03.2018 9363

**Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингиздай келинг. Ўзингиз учун (яхшилик) тақдим қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз. Мўминларга хушxabар бер. Бақара 223.**

Эр-хотин орасидаги ҳассос ва нозик алоқа Қуръони Карим оятларида ўзига хос услуб билан тасвирланади. Аввалги оятлардан бирида эр-хотинни бири-бирига нисбатан кийим – либос деб таъриф қилинган эди. Бу оятда эса аёллар экинзорга ўхшатиляпти. Экинзорга уруф ташланса, ҳосил униб чиққанидек, аёлга эркакдан тушган уруғликдан фарзанд униб чиқишига ишоратан:

**«Аёлларингиз экинзорларингиздир», - дейилмоқда.**

Модомики, улар экинзор эканлар,

**«Бас, экинзорингизга хоҳлаганингиздай келинг».**

Яъни «Хоҳлаган вақтингизда, хоҳлаган ҳолатингизда жинсий яқинлик қилинг. Айти чоғда мақсад, кўзланган ғоя эсингиздан чиқмасин:

**«Ўзингиз учун (яхшилик) тақдим қилинг».**

Аллоҳдан қўрқиш, Унга тақво қилиш ёдингиздан кўтарилмасин.

**«Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз».**

Демак, эҳтиёт ва ҳушёр бўлиш керак. Оятнинг охирида Аллоҳга рўбарў келганда мўминларга яхшилик бўлишини таъкидлаб:

**«Мўминларга хушxabар бер», - дейиляпти.**

Энди эса оилавий, қариндошлик ва умуман инсоний алоқаларда учраб турадиган баъзи бир ҳолатларни муолажа қилишга ўтилади.